

---

Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашевнинг Рамазон ҳайити  
муносабати билан байрам табриги  
**Азиз ва муҳтарам юртдошлар, қадрли тумандошлар!**

Сизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун ҳалқимизни меҳроқибат, эзгулик ва саховат айёми – муборак Рамазон ҳайити билан чин қалдан муборакбод этаман.

Ҳалқимизнинг маънавий ҳаётида олийжаноблик, миннатдорчилик, эзгулик, раҳмдиллик ва ҳамжихатлик фазилатлари белгиланишида Рамазон ҳайити байрами муҳим аҳамият касб этади.

Бу қутлуғ байрамда барчамиз аввало шундай файзли ва барокатли кунларга етказгани учун Аллоҳга чексиз шукроналар айтамиз.  
Сизларни ушбу муқаддас айём билан яна бир бор самимий қутлаган ҳолда, барчангизга соғлик-саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик, оиласвий баҳт тилайман!

Ҳалқимизнинг шу муқаддас ойда қилган ибодатлари ижобат бўлсин. Ҳар бир хонадондан аҳиллик, файзу-барака аримасин! Жонажон юртимизни Яратган ўз паноҳида асрасин!

**Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!**

**Шерзоджон Юлдашев,**

**Ўзбекистон тумани ҳокими**

2021-05-12 23:31:47